O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ЖАМИЯТНИ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАШДАН КЎЗЛАНГАН БОШ МАҚСАД — ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ, КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК КАБИ КЎП-КЎП МУҲИМ МАСАЛАЛАРДАН ИБОРАТ.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ ❐ 6 ИЮЛЬ ❐ ПАЙШАНБА
№ 76 (26626)

«ШАНХАЙ БЕШЛИГИ»: ДУШАНБЕ УЧРАШУВИ

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шанхай бешлиги» ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон томони кузатувчи мақомида қатнашди.

Ўзаро чегарадош беш мамлакат — Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлган «Шанхай бешлиги»га 1996 йили асос солинган. Ўша йил 26 апрель куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида мазкур беш мамлакат раҳбарлари учрашиб, чегарадош ҳудудларда ҳарбий соҳадаги ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги битимга имзо чеккан эди. 1997 йилда Москвада бўлган саммитда эса чегарадош ҳудудларда қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги битим қабул қилинди. Айни пайтда «Бешлик»нинг фаолият кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверди. 1998 йили Олмаотада, 1999 йили Бишкекда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, иқтисодий соҳада стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, Буюк ипак йўлини тиклаш тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилиниши билан якунланди.

Тожикистон ҳукумати қароргоҳида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтгандан кейин иштирокчи мамлакатлар делегациялари кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Музокараларда асосий эътибор минтақавий хавфсизлик, жумладан, халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, айирмачилик, шунингдек, наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Шу билан бирга, давлат раҳбарлари иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасида ҳам атрофлича фикрлашиб олди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот саммитида иштирок этиши «Бешлик"нинг доирасини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд минтақавий муаммолар ечими тугал ва самарали бўлишини таъминлайди. Жумладан, «Шанхай бешлиги»га Ўзбекистоннинг қўшилиши муҳим воқеа эканлигини Россия Президенти Владимир Путин ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Россия Президентининг айтишича, минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмайди. Саммит қатнашчилари терроризмнинг дунёвий хавф сифатида қаралаётганини ҳисобга олиб, мамлакатимиз раҳбарининг БМТ ҳузурида Халқаро терроризмга қарши кураш маркази тузиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади.

Музокаралар якунида Душанбе декларацияси қабул қилинди.

Саммит қарорига кўра, энди мазкур тузилма «Шанхай форуми» деб аталадиган бўлди.

Саммит иштирокчиларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Шанхай форуми»нинг фаолияти фақат чегарадош ҳудудларда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмаётгани, сўнгги вақтларда хавфсизликни таъминлаш борасида ўзига хос ўрин ва мавқеъга эга бўлиб бораётганига эътибор қаратди ҳамда айни шу масалада Ўзбекистон билан ушбу тузилмага бирлашган давлатларнинг қарашлари яқин эканлигини таъкидлади.

И. Каримов, шунингдек, хавфсизликка нисбатан асосий таҳдид Афғонистондан келаётганини қайд этар экан, Ўзбекистон раҳбарияти бу мамлакатда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳар қандай хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлашини айтди.

— Ўзбекистон афғон муаммосини ҳал қилиш учун фаол халқаро ва минтақавий саъй-ҳаракатлар тарафдори бўлиб келган, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз «Шанхай форуми» мамлакатларининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган интилишларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ушбу ташкилот аъзоларининг «6+2» гуруҳи доирасидаги саъй-ҳаракатларга ҳам ҳар томонлама жиддий ёндашувидан умид қиламиз. Зеро, бугунги кунда бу гуруҳ мазкур муаммони ечишнинг амалий асосга таянган энг самарали воситасидир.

Саммит доирасидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, куннинг иккинчи ярмида, Президент Ислом Каримов Хитой раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларнинг ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент — Душанбе — Тошкент.

Суратда: саммитдан лавҳа.

■ **Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат**

ОЛИЙ МУКОФОТ

«Хўжайли толаси» ҳиссадорлик жамиятига Мадрид шаҳридан қувончли хабар келди.

Жамият маҳсулотлари халқаро сифат ва маркетинг ассоциациясининг олий мукофотига сазовор бўлди. Олий мукофот 15 июль куни Нью-Йорк шаҳрида топширилади.

Ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 550 киши меҳнат қилади. Ўтган йили корхона 26600 тонна пахта қабул қилиб, шундан 7541 тонна пахта толаси, 14 минг тонна чигит ишлаб чиқарди. Жорий йилнинг ўтган олти ой мобайнида 15548 тонна хомашё тайёрланди. Айтиш керакки, ҳиссадорлик жамиятида ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ **«Туркистон пресс»**

ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

Жиззахликлар қувончига яна бир қувонч қўшилди. Бу ерда жаҳон андозалари асосидаги янги тез тиббий ёрдам маркази қуриб топширилди. 220 ўринга мўлжалланган ушбу шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Марказда ўндан ортиқ даволаш бўлимлари фаолият юритиш билан биргаликда илмий ишлар ҳам олиб борилади. Беморларга яратилган яна бир қулайликлардан бири марказ атрофида 6 гектардан ортиқроқ майдонга боғ ҳам барпо этилмоқда.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ЙИЛ ОЙ КУН

ҲИНДЛАР КУРАШГА ОШУФТА



Халқаро Кураш Ассоциацияси ўзбек курашини тарғиб қилиш, унинг жаҳоний нуфузини янада ошириш мақсадида қатор давлатларга сафар уюштиришни режалаштирганди. Яқинда Ҳиндистонга уюштирилган ана шундай сафарлардан бири ниҳоясига етди. Шу муносабат билан «Жар» спорт мажмуида сафар таассуротларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда хорижда ўзбек курашига қизиқиш ортиб бораётганлиги таъкидланди.

— Бундай тадбирлар ўзбек курашининг тарғиботи бўлибгина қолмай, халқимизнинг бой меросини намоён этишда ҳам муҳим ўрин тутади, — деди сафар иштирокчиси, жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев.

■ **Шуҳрат ТЎПАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИПАК ЙЎЛИ САЁҲАТЛАРИ

Тарихнинг шаҳодат беришича, Амир Темур ҳазратлари Қаршини бутун салтанатида калит шаҳар деб ҳисоблар эканлар. Қадим ипак йўлида жойлашган бу шаҳарнинг савдо-сотиқ, маданий алоқаларнинг ривожланишида ҳам тутган ўрни беқиёс бўлган. Шаҳардаги «Мулоқот» театр-студияси ва Германиянинг «Ан дер Рур» театри билан ҳамкорлиги янги даврни бошлаб берди. Натижада «Ипак йўли — театр — саёҳат» лойиҳаси юзага келди. Муаллифлик театрлари халқаро биринчи фестивали бўлиб ўтди. Яқинда эса «Муаллифлик театрлари учрашувлари» иккинчи халқаро фестивали ҳам Қаршида ўтказилди.

Саҳна асарлари тили ўзгалигидан қатъи назар, уларда кўтарилган умуминсоний муаммолар актёрларнинг маҳорати туфайли юракларга йўл топа олади. М. Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг «Бир ўлиб кўрчи», «Мулоқот» театр-студиясининг «Гуля-Эдик», Ўзбекистон ёшлар театрининг «Холстомер» («От қиссаси»), «Эски мачит» театр-студиясининг «Қобил ва Ҳобил», республика ёш томошабинлар театрининг «Учар табиб», Германиядаги «Ан дер Рур» театрининг «Кутилмаган совға», Тожикистон Республикаси Хўжанд мусиқали комедия театрининг «Капалак туши», Қирғизистон Республикаси «Тунгуч» театрининг «Таямуш», Қозоғистон давлат академик ёшлар ва болалар театрининг «Кўп ичида ёлғизлар» спектаклларининг намойиши бу фикрнинг исботи бўлди. Келгусида халқаро фестивал географиясини янада кенгайтириш борасида ҳам келишиб олишди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

УЧ ЭГИЗАК

Оқдарё тумани «Қаҳрамон» жамоа хўжалигининг «Тўртайғир» қишлоғида яшовчи Р. Файзиевлар оиласи қувонч ва шодликдан энтикди: хонадонда уч эгизак дунёга келди. Болажонлар шифокорлар назоратида соғлом ўсмоқда.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими эгизаклар учун 50 минг сўм туҳфа этди. Туман ҳокимлиги болажонлар соғлиги ва аҳволидан хабардор бўлиб туришни ўз зиммаларига олдилар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ» ФАНИ ЎҚИТИЛСА...

Бугунги кунда фуқаро ҳуқуқ ва эркинлигига тажовуз қилиш одамларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликларидан келиб чиқмоқда. Шахснинг ўз элементар ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида милиция ходимлари уларнинг уйига рухсатсиз бостириб киришлари ёки корхона раҳбари ходимларини ноҳақ ишдан бўшатиш каби ҳолатлар рўй бермоқда.

Инсон ҳуқуқлари, яъни шахснинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қатор ҳуқуқларини мактабданоқ ўргатиш чет элларда аллақачон жорий қилинган. Менинг фикримча, бошланғич синфлардан «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини киритиш лозим. Ш. Ўразаев, А. Саидов, Х. Бобоев каби ҳуқуқшуносларнинг саъй-ҳаракатлари билан инсон ҳуқуқлари тўғрисида бирталай дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Яъни, ушбу фанни ўқитиш учун ўқув-услубий қўлланмалар етарли.

Энди инсон ҳуқуқлари ўқув фанини ўқитишнинг амалий аҳамиятига ўтсак.

Биринчидан, ҳар бир шахс учун узоқ Африкадаги ҳайвонлар ёки эрамиздан аввал Римда ҳукм сурган император ҳақида билишдан кўра ўзининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини билиш, ҳаётда қўллаш муҳимроқ.

Иккинчидан, ушбу фан ўқувчиларда шахснинг эркин ҳаёти ва ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўқитишнинг жорий қилиниши ёш авлодни тўлақонли, ҳуқуқий онгги ривожланган фуқаро бўлиб етишларини таъминлайди.

Тўртинчидан, ёш авлодда ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим воситалардан бири бўлиши мумкин.

Бешинчидан, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш механизмларини мукаммал билиши мансабдор шахслар, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

■ **Беҳзод МЎМИНОВ,**
Ички ишлар вазирлиги Академияси талабаси

ОЛМОН ТАДБИРКОРЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

Олмониялик ва хоразмлик тадбиркорлар ўртасида ўзаро алоқалар қуруқ сўздан амалий ишга айланмоқда. Масалан, «Текспроект Индустриенлаган ГмбХ» фирмаси «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти ҳамкорликда «Хива-Карпет» гилам тўқиш қўшма корхонасининг муассисларидир.

Яқинда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган биржа савдоси жараёнида ўзаро ҳамкорлик янада ривож топиши, янгича изга кўчиши аниқлиги кўриниб қолди. «Биг Датчмен интернешнл ГмбХ» фирмаси Питнак шаҳрида бунёд этилган паррандачилик корхонаси учун сўнгги русумдаги ускуналар етказиб бериш борасида истиқболли таклиф билан чиқди. Ёки халқаро юк ташиш бўйича ўзбек-олмон қўшма корхонасини ташкил қилишда қатнашаётган «Брангерт Шиффартсгезелшафт ГмбХ» транспорт экспедиция фирмасининг вилоятда ўз филиалини очиш режаси ҳам аҳамиятга моликдир.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ОБИДАЛАР «ОБИДИЙДАСИ»

Самарқанд, Бухоро, Хивада бўлгани каби Карманада ҳам мозийдан дарак берувчи қадимий ёдгорликлар бор. Хусусан, «Қосим Шайх» масжидини, «Деггарон» хонақоси ҳамда «Малик Работ» қўрғони, Сардоба ҳовузини кўрсатиш мумкин. XI—XIV асрларда бунёд этилган бу ёдгорликлар илгари Кармана кўркига кўрк қўшиб турган. Зеро мустабид замонда бундай қадриятларимизга беписанд қаралиши ўймакорлик ва тошганч безакчилигига асосланган иншоотларни культепага айлантираёзди. Аммо «Буюк ипак йўли»даги бу обидалар ҳалиям таъмирталаб бўлиб ётибди. Айниқса, Самарқанд—Бухоро катта йўли ёнидаги «Малик Работ» ва Сардобанинг аҳволи ниҳоятда ташвишланарли.

Албатта, Кармана туманининг қайта ташкил топиши билан бундай тарихий обидалар ва ёдгорликлар ҳисобга олинган. ЮНЕСКО рўйхатидаги бундай ўзига хос мажмуани асраб қолиш ва уларни таъмирлаб, асл ҳолида авлодларга етказиш ишларига ижобий қаралди. Аммо давлат аҳамиятига молик бу ёдгорликларни қайта таъмирлаш борасида нафақат туман ҳокимлиги балки, вилоят ҳокимлиги ҳам ҳамон сукут сақламоқда. Қачон «Малик Работ» қулаб, Сардоба лойга ботса ҳисобми? Нега энди навоийликлар хайрли ишда бир ёқадан бош чиқаришмаяпти, деган саволнинг туғилиши табиий. Наҳотки, йигирмадан зиёд саноат корхонаси бўлган кенжа вилоятда ўтмиш асори-атиқаларини таъмирлашга маблағ топилмаса? Тўғри, кейинги 3-4 йил ичида бу борада бирмунча ишлар қилинди. «Малик Работ» ва Сардобанинг шаклшамойилини аслига келтириш учун лойиҳа ва ҳужжатлар тайёрланди. Аммо амалий ишларга келганда... Ахир, обидалар «обидийда»сига ким қулоқ тутади?

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЛАДЖОР» ЁРЛИҒИ БИЛАН

Немис мутахассислари билан ҳамкорликда Сариосиёда ташкил этилган «Оби жўй» қўшма корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган пиво ичимлиги Германиянинг қўҳна Бавария пиволари рецепти асосида тайёрланиши, таъми, сифати билан ўтган қисқа фурсат ичида ўз истеъмолчиларига эга бўлди. Шуҳрати эса тумандан вилоятга, ундан ташқарига ёйилиб бормоқда.

Корхона маҳсулотига талаб ошиб, харидорлар кўпаяётгани сари унинг имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Яқинда бу ерда хориж технологияси асосида пивони идишларга қадоқлайдиган янги цех ишга туширилди. Цехда «Ладжор» ёрлиғи билан кунига 600 шартли банка пиво идишларга қадоқланмоқда.

Келгусида цехнинг қувватини ошириш имкониятлари изланаётир. Йил охирига қадар «Ладжор» вилоятининг барча туманларидаги савдо дўконлари, умумий овқатланиш корхоналарига етиб боради

■ **«Туркистон-пресс»**

СЎҚМОҚЛАР ОРАЛАБ

Сўлим маскан. Оромбахш мўътадил ҳаво. Чотқол тоғи бағридан сизиб чиққан чашмалар шарқираган сойларга ошиқади. Ана шундай ажиб манзарали жойда «Сўқоқ» оромгоҳи жойлашган. Қарийб 55 йилдирки, бу ерда одамлар дам олиб саломатликларини тиклашмоқда. Оромгоҳ йил сайин кенгайиб, ободонлашиб бормоқда. Бир пайтлар бор-йўғи 20 нафар ишчи-хизматчи дам олган бўлса, ҳозир қулай ва шинам бинолар ва коттежларда ҳордиқ чиқарувчи 150 кишига хизмат кўрсатиш учун шароитлар муҳайё. Қизиғи шундаки, оромгоҳ жамоасига 30 йилдан бери ажойиб инсон, шоир Ориф Одилхонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг бошчилигида дам олувчиларга маданий-майиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Таниқли кишилар, ижодкорлар ва санъаткорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказилади. 15 кун мобайнида дам олувчилар турли сайр ва сайёҳатларга чиқишади. Хусусан, тоғ сўқмоқлари бўйлаб «Сўқоқ» чашмаси, бургут қояси, айиқлар ғорига бориш мумкин. Шунингдек, дам олувчиларни алоҳида транспортда «Кумушкон» оромгоҳига, «Чорвоқ» денгизига саёҳатлар уюштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда «Сўқоқ»-да дам олган ҳар бир киши ажиб таассуротлар билан қайтмоқда.

Суратларда: дам олувчиларнинг оромгоҳдаги ҳаётидан лавҳалар.

■ **Даврон АҲМАД олган суратлар.**

МИННАТДОРЧИЛИК

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

Биз пойтахтнинг Қорақамиш 2/4 даҳасида, 50-уйда истиқомат қиламиз. Албатта, кўпгина уйларда бўлгани каби биз истиқомат қилаётган бинонинг юқори қаватларида ҳам сув бўлмаслиги, қиш-баҳор ойларида чакка ўтиши, электр энергиянинг узилиб қолиши каби ҳолатлар юзасидан керакли ташкилотларга мурожаат қилиб туришга тўғри келади. Энг ёмони бундай илтимослар ҳеч қандай наф бермайди. Шунинг учун ҳам мажбур бўлиб, май ойида Собир Раҳимов тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати К. Тошпўлатовга дил сўзлари битилган арзнома билан мурожаат қилдик. Кўпчилик бу ишдан ҳам ҳеч нарса чиқмайди деган фикрга боришди. Зеро, туман ҳокими Комилжон Жўраевич баённомамизни назоратга олиб, ижросини бир ойга қолдирмай рўёбга чиқардилар. Шуни айтадилар-да ҳокимнинг гапи гап, деб.

■ **50-уйда яшовчилар номидан Ҳамидулла САГДИЕВ, техника фанлар номзоди**

ҚОРА ҚИЛМИШ

ЎҒРИЛАР ЧУВ ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғриланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш юзасидан республика ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати ходимлари йил бошидан буён рангли металларни четга олиб чиқиш билан боғлиқ 238 та ҳолатни аниқлашиб, металфуруш кимсалардан 115 тоннага яқин қимматбаҳо моддий бойликларни сақлаб қолдилар. Лекин шунга қарамай айрим кишилар ҳамон ўз нафси йўлида бу турдаги металларни четга ташишдан тийилмаяптилар.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати ходимлари давлат белгиси 48 70 СНМ бўлган Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида яшовчи фуқаро Баҳодир Очилов бошқарувидаги КаМАЗ русумли юк автомашинасини тўхтатиб текширдилар. Сиртдан қараганда бўш шиша идишлар ортилган ушбу машина гўёки ичимлик олиб келишга кетаётгандек туюлди. Бироқ бу машина юкхонаси ходимлар томонидан синчковлик билан текширилганда мазкур шиша идишлар тагига 4 тонна металл чиқиндилари яширилганлиги маълум бўлди. Худди шу куни иккита РАФ русумли давлат белгиси 14 G 25 15 ва 14С 52 20 бўлган машиналар ҳам тўхтатилиб текширилганда уларнинг ҳайдовчилари Райим Раҳимов, Шовқиддин Мансуровларнинг йўловчилар билан биргаликда 1,5 тоннага яқин металл парчалари олиб кетаётганлиги аниқланди.

— Давлат рақами 14 F 86 34 бўлган «Нексия» автомашинаси ҳайдовчиси Обиджон Яҳёев ҳам бизни доғда қолдирмоқчи бўлди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ДАНБ алоҳида ротаси сардори, милиция майори Ҳусан Холқўзиев. — Бироқ ходимимизнинг ҳушёрлиги туфайли унинг ўз машинасига жойлаштирилган ярим тоннага яқин мисни олиб ўтиш режаси барбод бўлди.

Ҳа, халқимиз манфаатларини менсимасдан, хиёнаткорона йўл тутиб, юртимиз бойликларини четга сотишга уринган ҳар бир кимсанинг аҳволи «вой» бўлиши шубҳасиз.

■ **Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ, милиция лейтенанти**

«2000 ЙИЛ —СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ »

ШУКРОНА

Бу ёруғ дунёда энг азиз неъмат нима десалар, мен «Нон» дер эдим. Ахир, шу бир донни деб Одам Ато отамиз ва Момо Ҳаво онамиз жаннатдан ҳам кетишга рози бўлганлар.

Дунёда энг ноёб, бошқаларга ўхшамаган, сўз билан таърифларга, тушунтиришга ҳожати бўлмаган туйғу нима десалар «Муҳаббат» дер эдим.

Ахир, ана шу буюк туйғу, ҳисҳаяжон туфайли дунё дунё бўлиб турибди. Манбаларда ёзилишича Оллоҳ таоллонинг ўзи аршдан туриб қовушган ёш келинқуёвларнинг ўтли муҳаббатларини ҳавас билан кузатиб турармиш.

Дунёда энг лазиз нима десалар буюк туйғу, жўшқин ва пок ҳиссиёт туфайли эр ва аёл қовушмоғидан Оллоҳнинг қудрати билан яралган одамзод фарзанди дер эдим.

Ҳаётга бир назар солайлик, уйингизда турли хил таом, нозне-ъматлар бўлсину нон бўлмаса кўнглингиз тўлмайди, қорнингиз тўймайди.

Муҳаббатсиз эса ҳаёт қуриб бўлмайди,

Фарзандсиз эса ҳаётнинг маъноси йўқ.

Бас, шундай экан, нонимиз, жонимиз, томирларда уриб турган қонимиз, дилда бутун иймонимиз бор экан, биз шукр қилиб яшамоғимиз, келажакка ёруғ юз билан бормоғимиз шарт.

Беайб парвардигор, биз ҳаммамиз озми-кўпми хато қиламиз, қоқиламиз, шундан йўлдан адашганни тўғри йўлга солмоқ, қоқилганга тиргак бўлмоқ ҳар бир мўмин инсоннинг вазифасидир.

Аёл, она — ҳаётнинг пойдевори, уйнинг устуни, кўнгилнинг зийнати, оиланинг ифтихоридир.

Бироқ ҳар бир аёл ҳам шу таърифга лойиқ ва ҳар бир она ҳам шунчалик муқаддас дея олмайман.

Беш қўл баравар эмас. Оналарнинг ипаги ҳам, оналарнинг кепаги ҳам, болаларнинг инсофлиги ҳам, ноинсофи ҳам орамизда бор. Бу табиат қонуни.

Ўғил-қиз ўстириш, янги ҳаётга узатиш, невара-эваралар кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бироқ бу орзулар турлича бўлиши мумкин.

Масалан, қизларни вояга етказаётган оналарнинг хаёли фақат мол-ҳол йиғиш, сарпо қилиш, мебеллар олиш, бойу-бадавлат куёв топишу данғиллатиб тўй қилиш. Улар бу орзуларни амалга ошириш учун бошларини не чоҳларга тиқмайдилар. Аммо энг керакли, энг зарур бўлган муаммоларни четга суриб қўядилар.

Яқин қариндош уруғлардаги йигитларни кўз остига оладилар, баъзан ўзлари совчи ҳам бўлмоқдалар. Онажон, янгажон «ётти ёғи» чиқадими, ўзимиз қуда бўлиб қўяқолайлик, деб тўй бошлаб юборадилар. Мен шу 60 йиллик ҳаётимда бундай воқеаларни кўп кўрдим, эшитдим ва жуда-жуда ачиндим. Опа-сингил қуда бўлган фарзандлари ақлий заиф, баъзи бири яримжон, ногирон ёки ёшлар 10-15 йиллаб яшаб фарзанд кўрмаяпти. Ажраб кетай деса оналаридан андиша қилади. Ажрашса қариндош-уруғ иккига бўлиниши керак. Яшашга илож йўқ, армонли ҳаёт.

Шу ўринда мен Холҳўжа отамнинг ҳаёт тажрибаларини кўп эслайман. Раҳматли бобом жуда доно, ғайратли, талабчан, меҳрли ва етарлича қаҳрли киши эди. У киши айтардиларки, келин оладиган бўлсанг таги-тахти, хилу хишти, етти пуштини суриштир. Ҳар бир хислат, одат, дард, фарзандга олисдан келади. Ўзингдан мавқе, давлатманд сифатида пастроғини олгинки, у сенинг уйингга меҳр қўйсин. Юрса ер гурсиллайдиган бақувват, кўзи ҳаёли, чаққон, катта-катта еб, кўп-кўп иш қиладиган келин олгинки, ундан соғлом фарзанд туғилсин. Ўғлингни чекишга, ичишга, бўлар-бўлмас ошнолар билан бирга бўлишга йўл берма. Куёв ҳам, келин ҳам ҳамиша тоза ниятли, пойи таҳоратли, тонг саҳардан туриб ҳамма ёқни поклаб Оллоҳдан ҳалол насиба сўрайдиган бўлсинлар, деб талаб қилардилар.

Келинлари ҳомиладор бўлганларини билгандан унга бўлган меҳрлари ўн чандон ортар, уй аъзоларини ҳам шунга эътибор беришга чақирардилар. Болаларнинг ичида ўғилни хуш кўрардилар, отга миндириб олиб юришни орзу қилардилар ва шундай бўлган ҳам.

Отам раҳматли бир қўлида бола, бир қўлида тугун кўтариб кўчада юрган аёлларни кўрсалар ачиниб унинг уйидагилардан ўкинардилар.

Аёл киши фарзандлик бўлдими, кўчага иложи бўлса чиқмасин. Унинг кам-кўстини таъминлаш эркакнинг бурчи.

Боланинг тартиби бузилади, вақтида эма олмайди, уйқуси бузилади. Қиз бола онаси-ю аммахоласиникига бола кўтариб бориб болани уринтириб, касал қилиб келади, дер эдилар. Чиндан ҳам шундай. Хабарингиз бор, қадимда оналарнинг кўзлари уйда доя кампир қўлларида ёриган. Агар она соғ бўлса, бола соғ бўлса Оллоҳнинг ўзи йўл берса осон иш.

Раҳматли аммам далада турардилар, бешинчи болаларини туғганларида қаттиқ қиш декабрь ойи экан. Доя қаёқда дейсиз бола туғилганда 10 ёш, 8 ёш катта қизлари туғдириб олишиб синглисининг киндигини токчада занглаб ётган эски лезвия билан қирқиб чақалоқни латтага ўраб танчага тиқишган экан. Ҳозир ўша қиз бахтли-тахтли, дунё кезган 3 набиранинг бувиси. Эслаб ака-укалар кулишади, ҳам оналарининг ҳолига ачинишади.

Ундан кейин ўзимизнинг ёшлик йилларимиз. Худога шукр эгам соғлом, ақлли, меҳрибон, қўш-қўш ўғил-қизларни берди. Мингминг шукр.

Аммо буларнинг шундай бўлишларида боболаримиз, бувиларимиз, оналаримизнинг беҳисоб хизматлари бор. Улар бизга нима деб маслаҳат беришса, жон қулоғимиз билан тинглаб ўша ишни айтганларидай қилиб бажарардик. Болаларига, набираларига, абираларига бўлган катта меҳр туфайли уларга Оллоҳ кўп куч-қувват берганми биздан кўп куч сарфлашарди. Масалан, менинг бувим Ойпошшахон аямнинг 6 фарзанд, 56 набира-абиралари бор эди. Умриларининг охирида чевара ҳам кўрдилар.

Шу аяжонимиз 60дан ортиқ болаларининг ҳаммасини биринчи бор ўзлари ялаб-юлқаб чўмилтирар, йўргаклар эдилар. Келинларими, қизларими, набираларими туғди дегунча қушдек учиб бориб чилласи чиққунча ўша гўдак ёнида ўтириб ёш онага кўп нарсаларни ўзлари қўллари билан пишириб, бешикка белашдан токи чақалоққа нималар қилиши кераклигини ўргатиб кучга киргизиб кейин қайтардилар. Ана энди чилласи чиққан она ва бола бемалол ўзини эглаб ўтирар эди.

Алҳамдулиллоҳ шунча болалардан биттасининг ҳам бурни қонамади, уйи бетинч ёки ўзи дардчил бўлмади.

Шунинг учун, мен ҳозирги ёш қайнона, ёш келинларга катталарнинг қадрларига етинг, улар билган ҳаёт тажрибаларини яхшилаб эшитинг, уйингизда кексалар бўлишмаса кўплаб ақлли болаларни тарбиялаган онахонлардан ўрнак олинг, ўрганинг дейман.

Масалан, янги бўшанган аёллар куз, қиш, баҳор пайтларида дардга чалинишади шамоллаш туфайли. Тирикчилик, келдикетти, муборак бўлсин деб узоқяқин қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар кела бошлашади. Меҳмонлар келсаям ёмон, келмасаям ёмон. Келмаса ўкинасиз, келса уринасиз. Айниқса, ёш она-болалар ётган уйга чақалоқни кўраман, деб болалари-ю, набираларини етаклаб келаверишади.

Мусулмончиликда чилла деган гап бор. Бола чилланинг бир куни қолганда орқамга бир қарайман, дер экан. Демак, чиллада касал бўлиши, баъзан нобуд бўлиш ҳоллари ҳам учрайди.

Катталар чақалоқларни қўлларига олишиб вой бувисига ўхшабди, тоғасига ўхшабди, амма-холасига ўхшабди, деб ҳамма ёғини очиб кўришса ёш болакайлар мен ҳам кўтараман деб қўлларига олиб чўпиллатиб ўпиб кетишади. Бу яхши, болага бўлган меҳрлари учун хурсандмиз, лекин чақалоқни ёки шамоллатишади ёки йўтал юқтиришади ёки бирон бир микробларни кўчадан илаштириб келишади. Она бояқиш меҳмонларга ош-сув қилиб югуради, бир ёқда чақалоқ чинқириб кечаси билан ухлатмайди.

Халқ орасида кўз, сўз, зиёнзаҳмат деган гаплар бор, бундан ҳеч ким холи эмас.

Яқинда қиш кунлари бир ёш келинчак билан суҳбатлашиб қолдим. 18-19 ларга кирган ёшгина жувон биринчи туғиши экан. 21 кунда онаси орзу-ҳавас билан бешик олиб келибди. Айтишича, Ўзбекистондаги энг машҳур халқ артистлари жуда катта сармоя ҳисобига келишибди, беармон ўйин-кулгу, олдиберди бўлибди. Келин ҳам елиб-югурибди, ўртага тушиб ўйнабди ва ҳакозо. Икки қуда хотинларнинг орзулари ушалибди. Бўғча-бўғча сарпо-суруғларни гапирмасак ҳам бўлади.

Орадан бир кун ўтгач, она иситмалаб кўкраги оғрий бошлабди. Болани эмизган экан, бола истмалабди. Кейинги кун кўкраклари тош қотиб яллиғланибди, болани эмиза олмабди. Чақалоқ чинқирган, она инграган, болага сут қидир, онани боқ ва ҳакозо. Бу ўз-ўзидан қуёвнинг уйидагиларга ёқмабди. Келин бечора қўли косов, сочи супурги инграб-инграб иш қилиб юраверган. Орадан бир ҳафта ўтиб иситмаси жуда баланд бўлиб чидай олмагач табиб қидиришибди. Бу беморни кўрган табиб бирор ерида яра ёки тешилган жойи йўқ деб ҳайрон. Икки кўкрак шокосадай бўлиб қон, йиринг йиғяпти.

Кўриб келинга раҳмим келиб кетди. Ахир шу даражага келгунча индамай юрдингизми? Уйингиздагиларга айтмадингизми, десам, айтдим, «ҳеч нарса қилмайди, ўтиб кетади» деб парво қилишмади, дейди. Бечорага Оллоҳдан шифо сўрадим. Яна шукурона айтаманки, шу воқеа бундан 10 йил илгари ўзимнинг уйимда ҳам бўлиши мумкин эди. Кичик келиним ТошМИда ўқир эди. Болани мен боқардим. Эрталаб сутларини соғдириб олардик. Бир куни она жуда кеч қолди. Дарслари кўп бўлганми билмадим. Ичим ачиганидан болани кўтариб катта кўчага 3 марта чиқиб келдим. Ҳам онасидан хавотирланаман, ҳам боласига ачинаман. Ниҳоят бувим ўргатган овқатдан қилиб болани тўйғизиб ухлатдим. Онани сути кўчада юрганида турилиб қолган. Ёшлик қилиб дарс билан овора бўлган. Ярим кечага бориб кўкраги қизариб оғриқ берди. Жонини қайга қўяй дейди бечора. Жон болам мендан уялманг деб тош қотган кўкрагини иссиқ қўллаб Оллоҳга ёлбориб силайбердим. Биляпман, қўлим ёқмаяпти, озгина оғрияпти. Туриб қолган сутларни соғиб ташладик. Она ҳам, бола ҳам тинчиди. Эрталаб шифокор келиб ойижонингизга раҳмат денг, бўлмаса иккала кўкрагингизга йиринг йиғилиб бугун операция бўлардингиз, депти. Мен буни мақтаниб айтаётганим йўқ. Она — қайнонада меҳр, келинларга ачиниш ҳисси бўлиши шарт деб ўйлайман. Келин ҳам ўз ўрнида қайноналари билан сирдош, яқин ва илиқ муомалада бўлса қанчалар яхши бўларди.

Ҳозирги ёшларимиз фарзанд кўришга жуда аввалдан тайёрланмайдилар. Турмушга чиққандан кейин бир-икки йил бола бўлмагандан кейингина ўзларини текширтира бошлайдилар.

Аслида қиз болани гўдаклигиданоқ эҳтиёт қилишлари, иссиқ ич кийимлар кийгизишлари, зах жойларга ўтиришларига йўл бермасликлари, ички аъзоларини пок тутишини тез-тез таъкидлаб ва кузатиб туришлари лозим. Совуқ сувда чўмилмасликлари, қиш кунлари кўчага енгил-елпи чиқиб кетишларига йўл қўймасликлари шарт. Акс ҳолда кейинчалик докторма-доктор юриб топган-тутганлари дорига сарф бўлади. Невара кўришлари кеч ёки амримаҳол бўлиб, дори-дармон билан туғилган бола нимжон ёки ногирон ёки ақлан етук бўлмайди. Оллоҳ айтган-ку сендан ҳаракат, мендан баракат деб. Битта берса ҳам барокатини берсин, кўрса кўргудек, қўлга олиб суюгундек бола берсин ҳар кимга ҳам. Бола бергани билан бола бўлавермайди. «Буюрса бола, буюрмаса бало» дейди халқимиз.

Янги соппа-соғ туғилган болаларни ҳам бепарволик билан ёмон дардларга чалинтириш ёки ўз вақтида эмизмай, қоматим бузилади ёки вақтим бўлмаяпти, деб сунъий сутга ўргатиб нимжон қилиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Она сутининг бир томчиси тиллодан аъло, деб биламан. Она сутига тўйиб, алласини мириқиб тинглаб бешикда барқ уриб ухлаётган боладан, болага кўкрагини бериб бағрига босиб пешонасидан маржон-маржон чиққан терларни артиб симобдай бутун вужуди эриб ўз алласидан ўзи уйқуга кетган онадан бахтлироқ киши борми дунёда. Ана шу лазиз онларга халал берган одамни энг разил, энг бахил, энг жоҳил одам деб биламан. Алла она билан болага олам-олам қувонч, куч, меҳр бахш этади, ҳаётга, ўзи яшаган гўшага, Ватанга меҳр уйғотади. Аёл зоти шундай бир сирли оламки, унинг кўксида дунёга сир, асрор, сеҳр, меҳр берилиб ётади. Ана шу бебаҳо сир-синоатлар оқ булоғи орқали боласининг қонига, жонига, онгига ва шуурига сингиб боради!

Шунинг учун аёлнинг айниқса, бола эмизгувчи оналарнинг кўнгилларига қаттиқ тегманг, уларни авайланг.

Аёл гоҳи гул бўлади, гоҳида булбул, гоҳо боғ бўлади, гоҳида боғбон, гоҳо тош бўлади, гоҳида бўрон.

Аммо нозик қалбини боласига қила олур қалқон.

Ҳа, азизлар қилни қирқ ёриш ҳам аёлнинг қўлидан келади. Бас шундай экан, аёлларни ардоқланг. Жон аёллар Сиз ҳам ўз қадрингизни ҳар ерда юксак қўйинг, арзимаган зеби-зийнату, мансаб-мартаба, молу дунё деб ҳаё ибоингизни оёқости қилманг. Ҳаётдан, келажакдан умидингиз бўлса, кексайганда азиз бўлиб у дунёга ёруғ юз билан борай, гўримда тинч оёқ-қўлимни узатиб ётай десангиз ақлан етук, жисмонан соғлом, диёнатли, иймонли, ўзингиз ва элингизни ардоқлаб юртини севгучи фарзандларни вояга етказинг.

Ҳаммамизни Ҳақ йўлдан айирмасин. Имон паноҳимиз бўлсин.

■ **НИЛУФАР, шоира**

КЎНГИЛДАН ТЎКИЛГАН ГАПЛАР

Бир қадрдон дўстим ошнасининг туғилган кунига олиб борди. Озода ва ихчам ҳовлида уй соҳибининг беш-ўн нафар қадрдонлари ҳамда ўғил-қизлари жамулжам. Дастурхон атрофида суҳбат қўр олди. Аниқроғи, тўладан келган, буғдойранг эллик ёшдаги бу кишини бот-бот мулоқотга чорладим.

— Ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман. Болаликдаги вазифам ўрта мактабда ўқиш, билим олиш ва уй-рўзғор юмушларига қарашиш бўлди. Аввал техникумда, кейинчалик эса техника асосларини ўрганиб диплом олгандим. Меҳнат фаолиятимни 1972 йилда ўз мутахассислигим бўйича бошладим. Кейинчалик туман ёшларига сардорлик қилдим. Қишлоқ хўжалик бошқармасида бошлиқ, туман ижроия қўмитасида раис, Пахтачи туманида биринчи раҳбар бўлиб ишладим. «Пахта иши» мени ҳам четлаб ўтмади. Ҳеч қандай асоссиз ҳисоб варақамга ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан бериб, ишдан олишди. Ҳақ эканлигимни, адолат бузилганлигини исботлаш учун Самарқандда ҳам, Тошкентда ҳам кирмаган эшигим қолмади. Асабларим бузилди, зор қақшадим. Самарқанд вилояти прокуратураси иш фаолиятимда ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракат йўқлигини аниқлаб тергов ишини бекор қилди. Бу қарор вилоятнинг ўша вақтдаги биринчи раҳбарига ёқмади, норозилик билдирди. Иш яна қайта кўрилди ва ўз кучида қолди. Адолат қарор топди. Аввалги лавозимим ёки шунга тенг иш билан таъминланишим кераклиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Каттақўрғон тумани дон маҳсулотлари бирлашмасига директорликка тайинлашди. Жабр чеккан, азоб-уқубат кўрган, қийналиб тунларни тонгга улаб ўтказган йилларни унутиб адолат ва ҳақиқат тантанасидан Оллоҳга шукроналик қилиб, «пахта иши»ни бекор қилган Президентимиз Ислом Каримовга раҳматлар айтиб ишга киришдим.

Ишга кирганимда бирлашмада тартиб-интизом, ҳисоб-китоб бузилган, кўзбўямачилик ва ошнаоғайничилик авж олган экан. Буни тезда ҳис қилдим ва тафтиш ўтказтирдим. Текшириш жараёнида 3 минг 500 тонна буғдой ва тайёр маҳсулотлар омборидан 100 тоннадан зиёдроқ гуруч, гречиха кам эканлиги аниқланди. Тафтиш натижаси тегишли жойларга берилди. Лекин айбдорлар қилмишларига яраша жазо олмади.

Мен ишни тўғри бошлаганим учун айрим мансабдор шахсларга ёқмадим. Ҳатто уларнинг «камомадни очманг» дейишларига қулоқ солмаганим учун туҳмат уюштирилди. Юқори ташкилотларга ёзув ташкил қилинди. Қилдан қийиқ ахтаришиб ишдан бўшатишди. Ўз ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиб ҳуқуқ-тарғибот идораларига мурожаат қилдим. Республика прокуратураси ишни кўриб чиқишни Жиззах вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармасига топширди. Улар пухта ва аниқ текшириш ишлари олиб бориб, ноҳақ ишдан бўшатилганимни аниқлашди. Ишимга қайта тикланишим ва ишлай олмай юрган вақтларимга иш ҳақи бериш ҳақида суд ажрим чиқарди. Бироқ бу қарорни раҳбарлар инобатга олмади. Бирлашмада 100 килограмм буғдойдан 80-82 килограмм 1 ва 2 нав ун олишни йўлга қўйгандим. Бу республикада юқори кўрсаткич эди.

Суд қарорини кўтариб, иш сўраб турли ташкилот ва ҳокимликларга бордим. Мени Каттақўрғон тумани қўйларни бўрдоқига боқиш ва қоракўлга ишлов бериш махсус ихтисослаштирилган хўжаликка раисликка тайинлашди. Бу ерда ҳам ишлар ўлдаж-ўлда экан. Гўштга топширилган қўйларнинг ўртача оғирлиги 41-42 килограммдан ошмас экан. Бу кўрсаткични 46-48 килограммга етказдик. Ишни, аҳволни янада яхшилаш ўй-ташвишлари билан банд бўлиб турганимда туманнинг собиқ ҳокими мажбуран ариза ёздириб олиб лавозимимдан бўшатди. Чунки унинг баъзи ноқонуний топшириқларини бажармаган эдим.

Яхши кишиларнинг шарофати, саъй-ҳаракати билан Каттақўрғон туман автомобиль йўллари бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаяпман, — дейди суҳбатдошим Убайдулла Зубайдуллаев. — Ишни яхшилаш, давр талаби даражасига кўтариш учун бор куч ва билимимни аямайман.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Мен оламни кўра бошладим

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

МОЗИЙДАН САДО

ТАНГАЛАР ТАРИХ ТУЗАДИ

Қўқонлик Н. Шодиева шаҳар ўлкашунослик музейига топширган мис тангалар музей бўлим мудири А. Эгамбердиевни ҳаяжонлантириб юборди. Чунки шаҳарнинг Далачилик маҳалласидан топилган бу мис тангалар Қўқон хонлиги даврида зарб этилган илк пуллар бўлиб чиқди.

— Музейимизда тангалар тўплами мавжуд, — деди А. Эгамбердиев, — уларни ўрганиш орқали у ёки бу хоннинг ҳукмронлик йилларини аниқлаш, мамлакатнинг маълум даврдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволини тадқиқ этиш мумкин. Масалан, А. Алихон мелодий 1826 йили Қашқарга ҳарбий юриш қилиб, сафардан қайтгач, зарб этилган тангаларга «Муҳаммад Алихон Ғозий» деб ёздирганки, бу ҳол хоннинг Қашқарда номусулмонларга қарши жангларда зафар қозонганидан далолатдир.

Тангалар тарихида ғалати сирли воқеалар ҳам учрайди. Масалан, тўпламда, 1860-70 йиллари Қашқарда яшаган машҳур Ёқуббек зарб қилдирган тангалар ҳам бор. Тангаларнинг бир томонига «Сайид Муҳаммад Маллахон Баҳодир» деб ёзилган бўлса, бир томонига «Зарб-Дар-Ас-Салтанат Ҳуқанди Латиф» деб ёзилган. Бироқ, бу тангалар зарб этилган пайтда Маллахон аллақачон оламдан ўтган ва Ёқуббек ушбу воқеадан хабардор эди. Унда нечун Қашқар ҳукмдори бу ғаройиб ишга қўл урди. Маълум бўлишича, Қўқон хони Сайид Султон фармойишига мувофиқ Ёқуббек 1864 йили Қашқарга борган ва у ерда ҳокимиятни қўлга олган. Шу боис Сайид Султоннинг акаси Маллахон хотирасига ҳурмат ва миннатдорлик рамзи сифатида тангаларга шу хоннинг исм-шарифи, унвони битилган бўлиши, эҳтимол. Тангалар тарих тузади, деб бежиз айтмаганлар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1999 ЙИЛ

9 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари ходимлари билан учрашди. Биринчи котиб йиғилганларга партиянинг III Курултойи, мамлакатимизда кечаётган сайловолди жараёнлари ва ХДПнинг иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

16 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида, Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги сайловларни баҳолаш миссияси раҳбари Мадлен Вилкенс хоним ҳамда ушбу миссия аъзоси жаноб Никола Качаровски қабул қилинди.

24 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига кўра Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

28 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги Сайловолди штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ялпи сайловларга партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар — Каримов Ислом Абдуғаниевич ва Жалолов Абдулҳафиз Марахимовичнинг таржимаи ҳоли матбуотда чоп этилди.

1 декабрь. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганлик гувоҳномасини топширди.

1 декабрь. Мамлакатимиз пойтахтининг «Туркистон» саройида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ташаббуси билан, партиядан кўрсатилган депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш концерти бўлиб ўтди.

7 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Марахимович Жалоловнинг Дастури матбуотда чоп этилди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу йил 19 декабрь куни 66 сайлов округида Олий Мажлис депутатларини сайлаш юзасидан ўтказилган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди. Такрорий овоз бериш натижаларига кўра 65 сайлов округида депутатлар сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 16 депутат сайланди. Шу тариқа мамлакат парламентида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар сони 48 нафарга етди.

■ **Владимир ТЮРИКОВ ва Норбобо ШАКАРОВ тайёрладилар.**

ХАЛҚ ПРЕЗИДЕНТДАН НОРОЗИ

Панама президенти Мирейя Москосо маҳаллий матбуот ва жамоат ташкилотларининг танқидига учради. Уларнинг айтишича, президент давлат маблағларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймоқда. Унинг 10 ой ичидаги хорижий сафарлари учун давлат хазинасидан 6 миллион АҚШ доллари сарфланган, олдинги президент Перес Бальядереснинг беш йил ичидаги жами хорижий сафарлари харажати 11 миллион долларга тушган эди, деди коррупцияга қарши кураш бошқармаси бошлиғи Энрике Монтенегро.

Шунингдек, аҳоли ҳам Мирейя Москосонинг сайловолди ваъдаларини бажармаётганидан норозилик билдираётир. Одамлар ҳукуматдан маошни оширишни талаб қилаяпти.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият ҳамон қалтислигича қолмоқда. Хабарларга қараганда, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида чегара постлари йигирма уч марта ўққа тутилган, йигирма етти марта қуролланган жиноятчилар билан тўқнашув содир бўлган. Тўқнашувларда уч нафар чегарачи яралланган. Контрабандачиларнинг Афғонистондан Тожикистонга гиёҳванд модда ва қурол-яроғ олиб киришга ҳаракат қилаётгани чегарачиларга тинчлик бермаяпти.

■ **(ЎзА)**

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЕР ШАРИ КАТТА ЭМАС, ТУРИШ ЭСА...

МИЯГА ТОЗА КИСЛОРОД КЕРАК

Аслида инсон организмига ҳамма нарсанинг тозаси ёқади. Лекин экологик хавф кучайган ҳозирги замонда чекишни одат қилганимиз организмга акс таъсир доирасининг кенгайишини кучайтиради, холос. Яқинда Лондондаги социометрия институти олимлари ўтказган тадқиқотлар буни яна бир карра исботлади. Яъни, 64 ёшдан ошган 650 нафар қария кашандаларни илмий кузатдилар. Маълум бўлишича, чекиш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, унинг интеллектуал қобилиятини ҳам сусайтираркан.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, интеллектуал қобилиятнинг ёмонлашуви томирларда кальцийнинг тўпланиб қолиши билан изоҳланади. Кашандаларда эса кальций тўпланиши чекмайдиган кишиларга қараганда кўпдир. Томирларда кальцийнинг тўпланиши ўз навбатида қон айланишига ҳалақит беради ва миянинг кислород билан таъминланиш ва озиқланиш даражасини пасайтириб юборади. Натижада аста-секинлик билан фикрлаш қобилияти ва бора-бора айрим инстинктларнинг издан чиқишига олиб келади.

СИНОВЛАР БОШЛАНДИ

Исроилнинг Рабин тиббий марказида чўчқаларга сунъий юрак ўтказиш бўйича синовлар бошлаб юборилди. Юрак операциялари бўлинмаси раҳбари, профессор Бернардо Виднанинг айтишича, жорий йилнинг охиридаёқ сунъий юракларни одамларга протезлаш бўйича текширувлар ўтказишга имконият пайдо бўлади.

Янги протез электродвигатель билан ишга туширилади кичик насосни эслатади. Двигатель ташқаридан заряд олиши мумкин бўлган батарейкалар билан ишлайди.

Бундай юракнинг қиймати ҳали жуда юқори — тахминан 100 минг доллар. Шу важдан ҳам молиявий чекловлар унинг ривожланишини секинлаштириши мумкин. Шундай бўлса-да, сунъий юракни ўтқазиш кўплаб беморлар учун омон қолишнинг ягона имкониятидир, чунки донорнинг юрагини ўтқазиш ҳаммага ҳам тўғри келавермайди.

ИЧМАНГ, СУЯК МЎРТЛАШАДИ

Кейинги пайтларда маҳсулотлар рекламасининг ҳам турлари кўпайиб кетди. Бу яхши албатта. Ишлаб чиқарувчилар шу йўл билан ўз маҳсулотига харидор излайди. Аммо маҳсулот рекламасидаги мақтовларнинг барчасига лаққа тушавермаслик керак. Негаки... Гап шундаки, ширинтуруш ва вашилайдиган ичимликлар, масалан, кока-кола, лимонад, спрайт кабиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири бор экан. Буни яқинда америкалик олимлар тасдиқлашди. Уларнинг кузатишларича, бу ичимликлар, айниқса, ёш болалар ва ўсмирлар суякларини мўртлаштириб қўяркан, натижада ёшлар ва ўсмирлар орасида суяк синиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу ҳол, айниқса, қизлар орасида кўп кузатилмоқда. Бостондаги Гарвард университети олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар шу нарсани тасдиқламоқдаки, кока-кола, ёки бошқа шунга ўхшаш газли ичимликлар кўп истеъмол қилган қизларда сув, чой, сут ёки бошқа бирор оддий чанқовбосди ичимлик ичиб юрган қизларга қараганда суяк синиш ҳолати икки баравар кўп кузатилган.

Олимларнинг тахминича, бундай бўлишига сабаб, ўсиш жараёни тезлашган ўсмирлар суякларидан бу хил ичимликлардаги фосфор кальцийни сиқиб чиқараркан ва суякда мўртлашув юз бераркан.

КАМ УХЛАГАН — КЎП ЯШАЙДИ

Ҳа, қарияларимиз бекорга уйқу — ғафлат демаган эканлар. Тиббиётчиларнинг тасдиқлашларича, инсон умрининг узоқ ё қисқалиги уйқунинг кўп ё камлигига ҳам боғлиқ экан. Айтишларича, бир кеча-кундузда атиги тўрт соат ухлаган одам ўз умрининг боқийлигини таъминлаган бўларкан. Буни ҳатто Иельск университети тадқиқотчилари ҳам тасдиқлашмоқда, дея хабар беради Швециянинг «Свенска дагбладет» газетаси. Бир кеча-кундузда доимо тўрт соат ухлаган эркак киши 82 ёшгача, аёл эса 84 ёшгача умрини узайтириши мумкинлиги улар томонидан илмий кузатилган. Кўп ухлаган эса...

Рукн материалларини Зулхумор СУЛТОНОВА тайёрлади.

ОНА САЙЁРА: СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни тобора XXI асрга яқинлаштирмоқда. Инсоният янги минг йилликка муваффақиятлар билан ёнма-ён таҳдидлар билан ҳам кириб бормоқда. Буни дунё аҳолиси сонининг жадал суръатда ўсиб бораётганлиги ва бу жараённинг инсоният турмуш тарзига таъсири, аниқроғи, демографик таҳдид мисолида ҳам кўриш мумкин. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бутун инсоният тарихи давомида Ер курраси аҳолиси жуда секин кўпайиб борган. Аҳолининг тез кўпайиши асосан янги тарих даврида бошланди. Охирги минг йилликда аҳолининг биринчи марта икки баробар кўпайиши учун 600 йил керак бўлган. Иккинчи икки баробар кўпайиш учун 230 йил, учинчиси учун 100 йил, тўртинчиси учун эса 40 йилдан ортиқроқ вақт керак бўлди. Бу шундан далолат берадики, аҳоли илгари ҳеч қачон XX аср ўрталаридаги ва иккинчи ярмидаги каби тез суръат билан кўпаймаган. БМТ экспертларининг башоратларига кўра, Ер юзи аҳолиси 2010 йилда 7 миллиард, 2025 йилда эса 8,5 миллиард кишига, шу жумладан, Хитой аҳолиси 1,5 миллиард, Ҳиндистон аҳолиси деярли 1,5 миллиард, Нигерия ва АҚШ аҳолиси 300 миллион кишига етади. 2040 йилга бориб жаҳон аҳолиси 10 миллиард кишини ташкил этади. XX аср бошларида Ер аҳолисининг йиллик мутлақ кўпайиши 10-15 миллионга тенг эди. Аср ўрталарида бу кўрсаткич 40-50 миллионга етди. Ҳозирги вақтда йиллик кўпайиш 90 миллионни ташкил этади. Бу миқдор Европадаги (Россиядан ташқари) исталган мамлакат аҳолисидан анча кўп.

Демограф-маълумотчилар ҳисобига кўра, бутун инсоният тарихи давомида 80 миллиарддан ортиқ одам туғилган. Шу жумладан, милоддан аввалги 40 минг йилда 4 миллиард киши, милод бошидан 1750 йилгача 61 миллиард ва 1750 йилдан 1990 йилгача 15 миллиарддан ортиқ одам дунёга келган. Дунё аҳолисининг сони 1950 йилда 2,5 миллиардга, 1987 йилда 5 миллиардга, 2000 йилга келиб 6 миллиардга етди. Аҳоли табиатга тўхтовсиз ўзаро таъсир кўрсатиб, табиатни ўзгартиришда фаол иштирок этади. Шунинг учун ҳам аҳолининг сони ҳар бир мамлакат, шунингдек, бутун инсоният тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Манбаларда қайд этилишича, инсониятнинг охирги 5000 йиллик ҳаётидаги урушларда 5 миллиард одам қурбон бўлган. Дунёда ҳар йили 140 миллион бола туғилади. Бинобарин, ҳар секундда уч бола, ҳар дақиқада 175 бола, ҳар соатда 10,4 минг бола, бир кеча-кундузда 250 минг бола дунёга келади. Бу кўрсаткич Андижон ва Наманган каби шаҳарлар аҳолисидан салгина камроқдир. Ҳар ойда дунё аҳолисига сон жиҳатдан Австралия ёки Тунис каби давлатлар аҳолиси қўшилади.

Аҳоли кўпайишининг биринчи сабаби демографик танглик бўлиб, бу туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш миқдорининг нисбатан паст эканлиги билан изоҳланади. Бу ҳол асосан ривожланган давлатлар, хусусан, Европанинг қатор мамлакатлари учун хос. Хорижий Европанинг кўп мамлакатларида туғилиш миқдори жуда паст. Шаҳар кўчаларида болалардан кўра кексаларни кўпроқ учратиш мумкин. Бу мамлакатларда туғилганлар ўлганлар ўрнини оддийгина тўлдириб қўя қолади. Мисол учун, Германияда туғилиш дунёдаги энг паст кўрсаткичга эга. Оиланинг ўртача меъёри 2,7 киши. Ҳар тўрт оиланинг биттаси фарзандсиз. Аҳоли кўпайишининг иккинчи сабаби демографик фаоллик ҳисобланади. Шуниси диққатга сазовор, бу хусусият, яъни туғилиш ва табиий ўсишнинг энг юқори даражаси, ўлимнинг нисбатан кам эканлиги Африка ва Осиёнинг энг қолоқ қишлоқ хўжалик мамлакатлари учун хос. Бу мамлакатлардаги йиллик табиий кўпайиш жуда катта миқдорни ташкил этади. 90-йиллар бошларида туғилиш (ҳар 1000 кишига 54 та) ва табиий кўпайиш (ҳар 1000 кишига 41 та)да энг юқори кўрсаткичли мамлакат Кения бўлган. Аҳолининг кўпайиш суръати ана шундай бўлганда, мамлакат аҳолиси ҳар 17 йилда икки ҳисса ортади. Буюк Британияда аҳолининг икки ҳисса кўпайиши учун эса 630 йил керак бўлар эди. Ҳозирги вақтда демографик фаолликни бошидан кечираётган мамлакатларга Ер курраси аҳолисининг тўртдан уч қисми ва йиллик мутлақ кўпайишининг 85 миллиони тўғри келади. Осиёнинг ўзида аҳолининг сони ҳар йили тахминан 55 миллион кишига, Африкада 20 миллион, Лотин Америкасида 10 миллиондан ортиқ кўпаяди. Агар 1900 йилда аҳолининг сонига кўра энг йирик 15 мамлакатнинг еттитаси Европада, бештаси Осиёда ва учтаси Америкада жойлашган бўлса, тахминларга кўра, 2000 йилга келиб бу 15 та энг йирик давлат орасида Европадаги битта ҳам давлат бўлмайди. Лекин бу 15 та давлатнинг тўққизтасини аҳоли турмуш шароити юқори даражада бўлмаган, баъзи бир жиҳатларда қолоқ ҳисобланган ривожланаётган Осиё давлатлари ташкил этади.

Демографик ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилда дунёда аҳолиси 10 милиондан ортиқ бўлган улкан шаҳарлар сони 25 тага етади. Биргина Мехико шаҳри аҳолиси 31 миллион кишини ташкил этади. Албатта, аҳоли сонининг ошиши бир жиҳатдан яхши. Инсон боласи борки, насл қолдиришни истайди. Лекин инсоният бу тарзда жадал суръат билан ўсиб бориши инсониятнинг ўзига катта тахдиддир. Аҳоли сони ошиб боргани сайин инсоннинг табиий ресурсларга мурожаати ва «иштаҳа»си ошиб боради. Ер сайёрасининг имкониятлари ва ресурслари чекланган бўлиб, инсониятнинг бу тарздаги эҳтиёжини қондира олмайди. Бу жараён эса инсоният олдига қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Маълумки, аҳоли барча моддий бойликларнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Ҳар бир киши озуқа талаб этади. Дунё аҳолиси шу тарзда ўсиб борадиган бўлса, уни озиқ-овқат билан таъминлаш тобора қийинлашади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу муаммо дунёнинг турли нуқталарида кўриниш бермоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, инсониятнинг учдан икки қисми муттасил равишда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмовчилиги сезиладиган мамлакатларда яшайди. Инсониятнинг чучук сув билан таъминланганлик даражаси ҳам етарлича эмас. Янги кучлар учун қўшимча манзилгоҳлар, янги иш жойлари яратиш лозим бўлади. Бу эса осонлик билан бўлмайди.

Инсоният янги аср бўсағасида икки йўл ўртасида турибди. Унинг бугунги кунига боқиб ҳам ҳайратланасан, ҳам ачинасан...

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Жаҳон болалари — дунёни қутқарар бир кун

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ҚАЛБНИНГ РАНГИН РИШТАЛАРИ

Дўстимизнинг китоби чиқди. У хурсанд эди. Мана, шу китобчам, деди бироз ҳаяжонланиб.

Аввало бу йигит ҳақида икки оғиз сўз айтай. Содда. Камтарин. Публицистикада қалами чархланган. Ўнлаб суд очеркларида, танқидий мақолалари, одоб-ахлоқ мавзусида мулоҳазали материаллари ўқувчини ўзига ром этган. Хуллас, журналистикада ўз ўрни бор. Тиришқоқ, айтган гапининг устидан чиқади. Газетамизнинг Наманган вилояти бўйича мухбири. Ёзганларини таҳрир қилиб, қийналиб кетмайсиз. Хуллас, фидойи журналист Маҳмуджон Парпиев ҳаяжонланиб берган китобчани варақлайман.

Тўғриси, шунчаки бир китобчадирда, олди-қочди воқеалар тафсилоти бўлса керак, деган ўй ҳам фикримда борлиги ёлғон эмас эди. Бироқ, китобни ўқиш жараёнида бу гумоним шамолда учган чанг янглиғ кўтарилди. Маҳмуджоннинг сўзга жиддий қараши, журналистикада терлаб ишлагани, қалами ўткирлашгани шундай сезилиб турибди. Воқеаларнинг бир-бирига жипс боғланиб кетганлиги, гоҳида кишини эсанкиратиб қўядиган ҳолатлар, кундалик ҳаёт тарзимизда учрайдиган ғамгин манзаралар, кишилар орасидаги кескин зиддиятлар — ҳамма-ҳаммаси юракка ўз таъсирини ўтказади. Қалбда бир оғриқ пайдо қилади.

Гоҳида ўйга толамиз. Мана шу кунларимиз — тинч-осойишли лаҳзалар, соғ-омонлигимиз, оиламиз бағрида тотув яшашимиз ҳам катта бир давлат эканлигини тушунмаймиз. Агар бошимизга оғир кун тушса, кўзимиз ярқ этиб очилади. Ўзимизни қўярга жой топа олмаймиз. Аслида бу ҳаёт биз билмаган ғаройиб зарбаларни ҳозирлаб қўядики, шунда зимистон кўнглимизга нур бўлажак, қаддимизга суянч бўлажак кишини ахтариб қоламиз. Дўст, деймиз. Дўстим деб дил ёрамиз. Баъзида ўша кўргулик дўст деганимиздан келса-чи, ёмонликни дўстдан орттирсак-чи?

Маҳмуджон Парпиевнинг «Хато» деб номланган қиссаси қаҳрамони Аброржон ўз бародаридан ёмонлик кўрди. Ўртоғи Ражаб унга хиёнат қилди. Аброрнинг оиласини булғади. Қаддини эгди. Юзини ерга қаратди. Йигитлик ғурурини ер билан битта қилиб, тупроққа қориштирди.

Биз одамлари кўп, уйлари баланд серташвиш шаҳар қучоғида ўз юмушларимиз билан андармон, оила камчиликларини тўкис қилиш илинжида елиб-югурамиз. Аслида бу ўткинчи, югур-югурлари бисёр ҳаётда бизни ана шу оила тутиб туради. Ҳаммамиз бунга талпинамиз. Дунёнинг қайси бир бурчида бўлмайлик, қандай иш билан машғул эрсак-да, қалбимизнинг энг ёруғ риштаси муқаддас оилага боғланиб турганини сезамиз, ҳис қиламиз. Эрталаб кўча. Иш. Кечқурун оила. Хизмат сафарига йўл оламиз, аммо серғули шаҳар бағридаги хонадон — оиламиз юрагимизнинг бир бўлаги бўлиб бизни ўзига чорлаб туради.

Асар қаҳрамони хиёнат билан рўбарў келди. У ўз уйида хотини билан дўсти Ражабни бирга кўрди. Тоза ва беғубор, турмуш ўртоғини жонидан ҳам яхши кўрувчи йигитнинг орзу-ўйлари чил-чил синди, зимистонлик ичра қолди. Китоб ана шу даҳшатли манзара билан бошланади, яъни шу мусибатли ҳолат асарнинг қоқ маркази бўлиб, кейинги воқеалар ривожига кескин таъсир қилади. Хонавайрон оила. Ўзини йўқотган йигит...

«Хато» қиссаси дедектив услубда ривож топган. Китобхонни тамоман «қўйиб» юбормайди. Шу билан бирга бу ҳаётнинг бешафқат ўйинларига чап беролмай, ўзини ўнглашга ҳаракат қилаётган замондошимиз қалбини тирнаб, қону зардобга тўлғизаётган оғриқ маҳорат билан чизилади. Ўқувчи Аброрга ачинади, унга далда бергиси келади. Хиёнатни нафратлайди. Шу ўринда, ҳаммамиз ҳушёр тортамиз. Ҳаётга жиддийроқ разм сола бошлаймиз. Бизнинг кўз ўнгимизда мавжланиб турган сокин денгиз остида қандайин шиддат бор, жимжимадор гўзаллик ботинидаги кир бўтанани кўрмасдан, ўша зилоллик қучоғига ўзимизни отмаяпмизми? Энг ёмони, кўнгилда ўсган тоза гуллар — соф ниятлар бадкирдорлик ичра тиртўзғаса...

Маҳмуджон Парпиевнинг «Хато» асари катта прозадаги илк қадам сифатида баҳоланса-да, ўқувчи қалбини ларзага солиши билан муаллиф ҳали бу йўлда катта-катта асарлар ёзиши мумкинлигига ишонч уйғотади. Бир қаламкаш сифатида қувонганим — муаллифнинг тили равон. Дард ва хазинликни шундай бир усталик билан ифода этадики, ҳеч қанақа зўриқиш, ортиқча бўёқларни учратмайсиз. Кейин муҳаббат, софлик, инсонийлик улуғ бир тушунча даражасига олиб чиқилган.

Асарда яхшилик, иймон тантана қилиши, аммо инсон энг аввало сабр-бардошли бўлмоғи ажойиб чизгиларда инъикос этган. Ўткир сюжетли воқеалар гирдобида қолган, софлик учун ўзини ўлимга ҳам чоғлай билган замондошимиз қиёфаси, унинг ички характери дилимизда ёруғ ва ёркин ранглар пайдо қилади. Бу рангларни умумий қилиб кўнгил ранглари дейиш мумкин. Яъни, Маҳмуджон дўстимиз топган кўнгил ранглари. Шу ранглар ҳар биримизнинг кўнглимизга инишини хоҳлайман.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Банкнинг рўйхатга олиш рақами:
№ 1530/17, 1991 йил 25 июнь
Манзили: 700000, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўч., 3.
1991 йил 31 декабрдаги

БАЛАНС ҲИСОБОТИ

№	Моддалар номи	минг сўм
	АКТИВЛАР	
1	Нақд пул ва бошқа касса ҳужжатлари	809,028
2	ЎзР МБ даги пул маблағлари	11,179,471
3	Бошқа банклардаги маблағлар	4,224,612
4	Қарз қимматли қоғозлари	3,016,921
5	Банкларга берилган ссудалар соф ҳолда	1,370,000
6	Мижозларга берилган ссудалар соф ҳолда	52,933,206
7	Корпоратив қимматли қоғозларга қўйилган маблағлар	208,184
8	Боғлиқ бўлмаган шўъба ва бирлашган компанияларга инвестициялар	23,150
9	Асосий воситалар	2,241,218
10	Бошқа активлар	8,784,753
11	**Жами активлар**	**84,790,543**
	ПАССИВЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР	
1	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	19,773,499
2	Жамғарма депозитлар	1,005,344
3	Муддатли депозитлар	632,541
4	Банкларнинг депозитлари	21,978
5	Банкларараро ва ҳукуматдан олинган ссудалар	46,264,309
6	Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари	404,604
7	Бошқа пассивлар	6,783,892
8	**Жами мажбуриятлар**	**74,886,167**
	АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИ	
9	Устав капитали	4,500,000
10	Тақсимланмаган фойда	5,404,376
11	**Жами акциядорлик капитали**	**9,904,376**
12	**Жами пассивлар**	**84,790,543**
	КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МОДДАЛАР	
1	Кафолатлар (банк томонидан берилган)	383,840
2	Кўзда тутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ бошқа ҳисоб варақлар	5,520,027
3	**Жами кўзда тутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ моддалар**	**5,903,867**

1999 йилги фойда ва зарарлар ҳақидаги

ҲИСОБОТ

№	Моддалар номи	минг сўм
1	Фоизли даромадлар	6,644,307
2	Фоизли ҳаражатлар	(4,305,827)
3	Соф фоизли даромад	2,338,480
4	Эҳтимолий зарарларни баҳолаш	(1,554,005)
5	Эҳтимолий зарарлар баҳоланганидан кейинги соф даромад	784,475
6	Йиғимлар ва воситачилик тўловларидан олинган соф даромад	4,080,921
7	Чет эл валютасидаги операциялардан олинган соф фойда	581,520
8	Бошқа операция даромадлари	598,657
9	Жами операция даромадлари	6.045. 573
10	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар	(1,221,934)
11	Бошқа операциялар ҳаражатлари	(1,720,362)
12	Жами операция ҳаражатлари	(2,942,296)
13	Солиқлар тўланишидан олдинги фойда	3,103,277
14	Тўланган солиқлар	(1,456,214)
15	**Бир йиллик соф фойда**	**1,647,063**

Ушбу баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг тўғрилиги аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Фирманинг номи: — «KRMg Uzbekistan Limited». Лицензия № 6, 30 декабрь 1996 йил.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

«ЎЗБЕКЧИЛИК ЁКИ ЎЗБЕКОНА ДАВОЛАШ УСУЛИ ЙЎҚ»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИ БОШ ҲАКИМИ ЗАФАР СИДДИҚОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Суҳбатимиз аввалида устозингиз, дунёга машҳур офтолмолог Святослав Фёдоров ҳақида икки оғиз гапирсангиз?

— Биласизми, устоз-шогирдлик ҳақида бир ақида мавжуд. Мана олимлар бирор илмий ишга раҳбарлик қилсалар ўзларини устоз деб билишади. Шогирдлар ҳам шунга ўрганишган. Менинг илмий ишимга у киши раҳбарлик қилмаган. Ушбу ақидадан келиб чиқсак, у кишига шогирд эмасман. Аммо қўлида тарбия кўрганим, иш ўрганганим бор гап. Алоқамиз яхши эди. Раҳматли устозим клиникасининг Россия ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари минтақасида ўн иккита филиали бор эди. Ўн учинчисини Тошкентда очишни орзу қиларди. Святослав Николаевич ҳамиша: «Тошкентдаги филиалимга сен бошчилик қиласан», дерди.

Фёдоров клиникасида энг замонавий тиббиёт жиҳозлари, жарроҳлик асбоблари, линзалар, гавҳарлар бўлари. Илк бор олмос пичоқда кўзни жарроҳлик йўли билан даволашни ҳам ўша жойда кўрдим. Вилоят кўз касалликлари шифохонасида йигирма беш йилдан буён ишлайман, мана ўн беш йилдирки Фёдоров усулларидан, жарроҳлик қуролларидан фойдаланиб келаман. Ҳозирда ҳам ҳамкорлигимиз жуда яхши йўлга қўйилган.

— Олмос пичоқ дедингиз, унинг афзаллиги нимада? Умуман замонавий дори-дармонлар, жиҳозларнинг қулайлик томонлари, фарқи нимада? Бундай савол беришимга сабаб, бизда одамлар ўз соғликларини тиклаш, бутунлай соғайиб кетиш учун ҳам арзон хизматга, арзон дориларга интилади.

— Мен тиббиёт олийгоҳини 1976 йилда тугатганман. Ўша пайтлар ўта ривожланган давлатларда беморнинг кўзини жарроҳлик йўли билан даволаб, орадан уч-тўрт соат ўтиб уйига жавоб берибди деса, «Ола-а» дердик. Бугун эса шу нарсани ўзимизда қўллаяпмиз. Тоза дори ишлаб чиқариш катта сарф-харажатни талаб қилади. Сарф-харажатга қараб нархи баланд бўлади. Энг юқори технологияларда олий даражада хизмат кўрсатиш ҳам бирмунча фарқланади. Мен «энг тоза» сўзига алоҳида урғу бермоқчиман, чунки дори-дармон ишлаб чиқарувчи энг нуфузли корхоналар маҳсулотининг сифатига аҳамият беришади, кетадиган сарф-харажатга эмас. Сабаби инсон саломатлиги муҳофазаси бор. Агар сифатсиз доридан беморнинг дарди оғирлашса, улар жарима тўлашади. Шулар қатори оддий патент олиб дори чиқарадиганлар ҳам бор, уларнинг жавобгарлиги унчалик юқори эмас, нари борса ёпиб қўйишади. Шу сабабли патент билан ишлайдиганлар маҳсулотнинг сифатига эмас, иқтисод қилиниб, кўпроқ дори чиқариб, мўмай даромад қилишга интилишади. Саломатлик ноёб, топилмас. Уни эъзозлаш керак. Арзимаган харажатдан қочиб танда дарддан из қолдирмаслик лозим.

Бир гал олтмишдан ошган бир отахон ҳузуримга келди. Тўғриси, бизда ҳам баъзида дори етишмовчиликлари бўлиб туради. Кўрик пайтида дори кераклигини айтишибди. Отахон нархини эшитиб, бусиз иложи йўқми? — деди. Шунда эллик фоизини шифохона кўтаришини айтдим. У киши оғринди. Секин сўрадим: фарзандлар нечта, деб. Олтита, уч ўғил, уч қиз, деди. Ҳаммасини уйли-жойли қилганини ҳам ёдидан чиқармади. Мен: тўйга қанчалаб ош дамлагани, ҳисобсиз харажат қилгани-ю, наҳот энди фарзандларингиз арзимаган ўн-ўн беш минг сўм топиб беролмаса, дедим. Отахонга таъсир қилди. Эртаси куни бир ўғли келиб, отамизни тузатиб берсангиз бас, харажат биздан деб қолди. Бизда ўзбекчилик деган андиша бор. Бўлса бўлар, бўлмаса худонинг буюргани-да, деб ҳаракат қилмаймиз. Ваҳоланки, Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам беморларингизни даволатинг дейилган ёки сиздан ҳаракат биздан барака дейилади муқаддас китобда.



— Гапингизни бўлсам, иссиқ таймизми-йўқми бозор иқтисодиёти сари дадил қадам ташлаб бораяпмиз. Шундай экан, бошқа соҳалар қатори тиббий хизмат кўрсатиш ҳам пуллик хизматга айланиб бораверади. Пуллик хизматнинг афзал томони, у кафолатли бўлади. Яъни, ҳаким беморни юз фоиз соғайтириш кафолатини олиб даволашга киришади. Агар у кафолатини бузса, жавобгарликка тортилади. Лекин мени кўпроқ қизиқтираётгани, бир дорихонада дейлик бессептол тўрт минг сўм атрофида бўлса, бошқасида етти минг сўм атрофида. Биринчидан, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Уларнинг ичида дори билан шуғулланадиганлари ҳам бор, ҳатто матбуот орқали қанчалик чиқишлар қилинмасин, кўчаларда дори сотадиганлар учраб турибди. Хусусий тадбиркор молини тезроқ ўтказиш, даромад қилиш мақсадида дуч келган жойдан арзон баҳода дори сотиб олиб, устига озгина қўйиб дорихоналарга топширади. Фуқаролар соғлиги давлат учун ҳам катта аҳамиятга эга, шундай экан божхоналарда қаттиқ назоратни кучайтириш шарт. Махсус текширув жиҳозлари ўрнатилиши шарт. Иккинчидан, дори-дармон билан шуғулланувчи корхоналар орқали олинадиган дорилар талабга жавоб бераяптими? Сизнинг фикрингизни билмоқчийдим?

— Гапингиз тўғри, дориларнинг нархи, аввало унинг сифатига бориб тақалади. Лекин истеъмол қилиш вақти, санаси ҳамма нарсада ҳам чекланган. Дорихонага мурожаат қилган одам, оладиган маҳсулотининг сертификатига қараши, қачон чиққан, қачонгача истеъмол қилиш мумкин, ҳамма-ҳаммасини аввал ўрганиши лозим. Керак бўлса ҳисоб фактурасини текшириб кўриши керак. Чунки, соғлик билан ҳазиллашиб бўлмайди. Кўз касалликлари эса ўта нозик. Арзимаган хато натижасида инсон бир умр кўрмай қолиши мумкин. Тасаввур қилаяпсизми буни. Энг тоза дорилар тез таъсир қилади, ўзидан доғ қолдирмайди. Қайта муолажага одамни мажбур этмайди. Бизда ҳозир кўпроқ кўз касалликларидан катаракта тез-тез учраб турибди. Назла эса гоҳида оғриқли, гоҳида оғриқсиз кечади. Шу сабаб кўпчилик эътибор бермайди. Ҳозирда миопия, яъни узоқни кўра олмаслик касаллиги ҳам учраб турибди. Албатта касални даволатгандан кўра, олдини олган маъқул. Мана ҳозир саратон, чилла, иссиқ кишини ҳолсизлантиради. Кўчага чиққанингизда эътибор беринг, ўзбекларнинг неча фоизи қуёш нурига қарши кўзойнак тақади, бошқа миллат вакиллари-чи?

Мен ҳам қишлоқда катта бўлганман. Кўзойнак тақсак, ҳамма бизни кўрсатиб: ана-у олифтани қаранглар, деб кулишарди. Шунинг учун бизнинг ўзбеклар ҳалигача андиша қилишади. Тақишмайди, аслида қуёш нурлари, айниқса, туш пайтида ерга тик тушади. Асфальтдан синиб қайтган ультра бинафша нурлар тўғридан-тўғри кўзнинг гавҳарига бориб урилади. Бора-бора гавҳар ишдан чиқади. Ҳали суҳбатимиз бошироғида олмос пичоқ ҳақида сўровдингиз, энди мавриди келди, айтаман. Олмос пичоқ билан жарроҳлик қилиш, биринчидан кўзда занг ва бошқа микроб ташувчи моддаларни қолдирмайди, иккинчидан у шу қадар ўткир тиғки, кесган жойини озгина вақт бир-бирига тегдириб турсангиз, ўзи битиб кетади.

Бизнинг болалигимиз китоблар қучоғида ўтган. Ҳозирги болалар компьютерлашган даврда катта бўлаяпти. Айниқса, телевизорнинг олдидан кетишмайди. Бунга ота-оналар ҳам бефарқ. Ҳимоя воситасисиз компьютердан фойдаланиш мумкин эмас. Ҳимоя воситаларининг сифати, талабга жавоб бериши муҳимдир. Телевизорни ҳам маълум масофадан кўриш, кўрганда ҳам вақтиваҳти билан, қолган пайтлар кўзга дам бериш лозим. Йўқса турли кўз касалликларига йўлиқиш ҳеч гап эмас. Биласизми, катталар кўчада юрганда ўта эҳтиёткор бўлишади, болалар эса кўзига қарашмайди. Дуч келган жойдан чопқиллаб ўтишаверади. Фақатгина кўзга эмас, тананинг барча аъзоларига етказилган шикастнинг кейинчалик таъсири бўлади, ҳар бир ота-она буни унутмасликлари керак.

— Энди гапнинг тўғриси, жойларда турли касалликларнинг кўпайишига экологик ҳолатнинг бузилиши ҳам сабаб бўлади. Бунга нима дейсиз?

Бу катта муаммо. Мамлакатимизда ҳалигача тўпланиб қолган ипринди қайта ишловчи корхона йўқ. Биргина пойтахтнинг ўзида қанча темир-терсак, озиқ-овқат чиқиндиси, латта-путта ахлатга ташланади. Улар йиғиб олиниб, маълум жойда ёқиб юборилади. Касаллик тарқатувчи микроблар тутун орқали ҳам қанчалаб масофага тарқайди.

— Тўғри, айниқса, ипринди ташлаб бўлмайдиган жойларга ҳам одамлар ташлайверади. Бу билан қўни-қўшнисининг, қолаверса, ўзининг соғлигига зарар етказади. Анҳорга, Бўзсувга ташланаётган чиқиндилар аҳоли саломатлигига кўпроқ зарар етказади. Жавобгарликка тортиш, чора кўриш бугуннинг долзарб масаласи. Буни кечиктириб бўлмайди.

Назарингиз тушган бўлса керак, кўп қаватли иморатлар атрофида йўлакчалар мавжуд, йўлакча четида бетон ариқлар бор. Бу шунчаки қурилган эмас, сарфланган маблағ аҳоли саломатлигига қаратилган. У ариқлардан ёзнинг иссиқ кунлари сув оқиб туриши керак. Аммо тўқсон фоиз ариқдан сув оқмайди. Бундай муаммоларни ҳал қилиш арзимаган иш. Бундан-да мураккаб экологик жараёнлар бор.

— Демоқчисизки, шаҳар ичида ёки атрофида қурилган ёки қурилмоқчи бўлган завод, фабрикаларни режалаштиришда алоҳида аҳамият қаратилиши керак. Ривожланган давлатлар дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналарни имкон қадар кўпайтирмасликка ҳаракат қилишади. Қурганлари ҳам махсус мосламалар билан жиҳозланади. Токи заҳарли моддаларнинг аҳоли яшайдиган пунктларга зарари бўлмасин. Улар бундай корхоналарни ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида кўпроқ қуриб, даромад олиш пайида бўлишади.

Айтинг-чи, жаҳон андозалари асосида даволаш учун яна нималар қилиш мумкин?

— Аввало, одамларимиз руҳиятини кескин ўзгартиришга эришишимиз лозим. Ўзбекчилик, ўзбекона даволаш деган гаплар йўқ нарса. Даволашда битта нарса мавжуд — Гиппократ қасами ва жаҳон андозалари даражасида даволаш. Одамнинг юзи қачон иссиқ бўлади? Қачонки, бир-бирига холисона ёрдам қилса. Моддий ва маънавий томондан кўмак беришса. Даволашда эса кафолат шарт. Биз ўзимизда шундай тартиб жорий қилдик. Бирор ҳаким бирор беморни даволашни бўйнига олса, у тузалди, энди жавоб бериш мумкин деган куни махсус ҳайъат назоратидан бемор кўрикдан ўтказилади. Агар тузалмаган бўлса, қайта ётқизилади. Ва шунга қараб ҳаким маош олади. Моддий манфаатдорлик бўлгач, у бор имкониятини ишга солиб даволайди.

— Дўхтирларингиз қилган ишига қараб маош оларкан-да?

— Шундай. Яна бир ютуғимиз, мустақилликнинг илк йилларида ёш, иқтидорли ҳакимларнинг Фёдоров клиникасида тажриба орттириб келишларига имкон яратдик. Улар ўз соҳасининг мутахассислари бўлишди. Бу тажрибани ҳозир ўзимизда қўллаяпмиз, яъни вилоятлардан ҳар йили кўз дўхтирлари чақирилиб, ўн-ўн беш кун бепул ўқитилади. Биздан тажриба ўрганишади. Жарроҳликларда қатнашишади. Жойларда ҳам одамлар ўз ҳакимларига ишончи ортади.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ШЕЪР ВА ШУУР

БИР ГУЛНИ СЕВГИН

Мен ўшаман севарим, мавти ҳол этманг мени,
Не қарорга келди деб, бегона ҳол этманг мени.

Эй Худо бергин мадад, мужгон ўқига мен нишон,
Мужгонингиз ўқи бирлан бемажол этманг мени.

Ҳар бир ағёр қўлида қонсирар жаллод болтаси,
Биргина сиз болтада, афтода ҳол этманг мени.

Май ҳам ичдим риндонавор, майпараст Машраб каби,
Бу порсони майхўр атаб, масту ҳол этманг мени.

Ишқ ўти ёнди юракда, сўнмасин ушбу тилак,
Журъат айланг биргина, беумид жон этманг мени.

* * *

Эрта тонгдан дунё дардини
Ёш бошингга тортмагин болам.
Болаликнинг бахтини суриб,
Болаликдан ортмагин болам.

Етук йиллар маҳобатида,
Ўз дардингни ўзинг кўтаргин.
Ожизларга озор бермасдан,
Бахтли умр яшаб ўткаргин.

Оқ оралар бир кун бошингга,
Оҳ бу қорнинг вазни бир оғир.
Ўз вақтида бир гулни севгин,
Йиғлаб қолсин ортда бир сағир.

Майли дунё дарди бошингда,
Чарх айлансин кўрсатгин сабот.
Ўшал пайти кўзинг ёшида,
Аксин топсин бутун коинот.

* * *

Лопиллаб қор ёғса гулдай қувониб,
Баҳор ёмғиридан энтикамиз бот.
Илк бора ўпишсак юзимиз ёниб,
Титраб тобутларга боқамиз ҳайҳот.

Сарғайиб қуёшдан ранглар ўчади,
Биргина ўлимга барҳам йўқ мудом.
Ажал қиличидан ҳамма ўчади,
Кемириб турса ҳам қалбини гумон.

Жонсиз табиат йўқ атрофга боқсанг,
Ҳаёт гўзал фақат жонли аснода.
Жонсиз жонзот кўрсак асаблар таранг,
Тавалло жон ато қилган Худога.

Чайқалиб бораркан елкалар ошиб,
Жонсиз тобут ётган қоқшол у тобут.
Тўрт китоб суврасин ўқиймиз шошиб,
Иймону ишончни қилмоқ бўлиб бут.

* * *

Мен сенга боғланиб қолибман,
Мен сени соғиндим азизим.
Мен сени эртақдан олибман,
Ҳаётда мен ҳамон бир ўзим.

Гулларни сен дедим париваш,
Лабларим бўяди лолалар.
Муҳаббат саҳроси — мен ҳабаш,
Жинни деб тош отар болалар.

Сен ҳам зор талпиниб яшадинг,
Хаёллар оғуши алдади.
Адашган карвонга ўхшадинг,
Фироқнинг йўқ эди адади.

Саробга чирмашиб дил аро,
Қонимда ишқ ўти ёнади.
Рўёлар юртига фуқаро,
Ошиқлар бош эгмай ўтади.

■ ***Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ***

Ёшлик — гўзаллик тимсоли

ФРАНЦУЗЧА «ИЧИКИШ»

Ёшгина, соҳибжамол француз актрисаси руҳшунос доктор ҳузурига келиб шикоят қила кетди.

— Менга нима бўлаяпти ўзи, ҳеч тушунмайман. Бир қадаҳ ичдим дегунча кимнидир соғиниб, кўргим ва бирга бўлгим келиб ичикиб йиғлайвераман. Шундай кўргим келадики... Маслаҳат беринг, доктор нима қилай?

— Жуда соз. Биз иккимиз касалингизни даволаймиз. Ишга киришишдан олдин аввал бир қадаҳдан оламиз.

РУСЧА «КУЁВ»

— Қизим қўшиқ айтади, пианино чалади, саньатни яхши тушунади, бемалол французча, инглизча гаплашади. Қисқаси, у ўта маданиятли, ўқимишли, зиёли инсон. Хўш, куёвбола Сиз нимани дўндирасиз? — деб сўради қизининг қўлини сўраб келган йигитдан.

Бўлғуси куёв:

— Уй ишларига гап йўқ. Айтайлик , ҳақиқий маданиятли эрдайин хўжалик юритиш, кир-чир, қозонтовоқ, ямоқ дегандайин, дўндирамиз, — деди йигит ғоз туриб.

ВАТАННИ ШАРАФЛАБ

Жанубий Кореянинг Чун-Чан шаҳрида таэквандо бўйича бутун жаҳон фестивали ўтказилди. 56 мамлакатдан вакиллар иштирок этган ўзига хос бу анжуманда самарқандликлар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди. Хусусан, Вероника Пак билан Рамиш Исматов ғолиблик супасига кўтарилиб, олтин медаль соҳиби бўлишди. Вера Пак кумуш медаль олган бўлса, Озод Исломов, Камол Ражабов, Улуғбек Эшонқуловлар бронза медаллари билан қайтадиган бўлишди.

■ **А. КАРИМОВ**

ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИН

Катта футбол — «Евро-2000» якунланган бўлса-да, мухлислар ажойиб таассуротлар билан юришибди. Мутахассис ва мухлислар ўз хулосаларини баён қилиб, чемпионатга ўзига хос баҳолар қўйишмоқда. Хусусан, Европа чемпионатида Испания — Югославия (4:3) учрашуви энг қизиқарли ўйин, деб баҳоланган бўлса, Швеция — Туркия (0:0) ўйини энг зерикарли, деб аталди. Бельгия — Туркия (0:2) учрашуви, эса чемпионатнинг кутилмаган тасодифи, деб қаралмоқда. Энг чиройли голни эса Португалия — Англия (3:2) учрашувида Луиш Фигу киритган экан. Жозибали пенальти соҳиби Зайниддин Зидан бўлиб, Португалия билан ўйинда дарвозага тўп йўллаган. Энг моҳир дарвозабон италиялик Франческо Толдо, деб эътироф этилмоқда.

■ **Гулзода БАҲОДИРОВА**

«С» ҲАРФЛИ ЎЙЛАНМА

Ёй бўйича: 1. Ўзбек кимёгар олими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. 2. Девор сиртига турли ашёлар билан ишлов бериб силлиқлаш. 3. Спорт тури. 4. Вақт ўлчови асбобини таъмирловчи. 5. Тинч океанидаги вулқонли ороллар тўдаси. 6. Сўз туркуми. 7. АҚШдаги Тошкент билан биродарлашган шаҳар. 8. Қамишсимон бўғимли кўл ўсимлиги. 9. Шамсия йили ҳисобидаги тўртинчи ой. 10. От туси. 11. Пайт. 12. Кумушсимон оқ металл, нодир маъдан. 13. Охота ва Япон денгизлари оралиғидаги орол. 14. Табиатда олтингугурт билан бирга учрайдиган металл. 15. Автомобиль кузови тури. 16. Таркибида кремний кислотасининг тузлари бўлган маъданлардан тайёрланган ашёлар мажмуи. 17. Польша ҳудудидаги тарихий вилоят. 18. Назмий асар тури. 19. Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 20. Тоғликда ўсувчи бир йиллик гиёҳ. 21. Африкадаги давлат. 22. Дарё бўйи. 23. Маслак ва мақсад йўлида мустаҳкам киши. 24. Озарбойжондаги шаҳар. 25. Жанубий Америкадаги мамлакат. 26. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 27. Ишқ, муҳаббат. 28. Бўйнида ёли бор, туси яшаш жойига мослашган йиртқич. 29. Маъноҳош сўзлар. 30. Беғубор, гўзал маскан. 31. Пиликнинг ёнган қисми. 32. Механизм қисмларини мойлаш ашёси, нефть маҳсулоти.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Қадимги юнон файласуф олими — 4,15,3,12,8,13.

2. Гапга чечан киши — 4,6,1,2,14,8,11.

3. Мамлакатимиздаги эстрада гуруҳи — 4,5,13,8,12,2.

4. Тери ошлашда ишлатиш учун тайёрланган охак ёки қум эритмаси — 4,2,10,7,9,8,10.

5. Мақолдан: 4,15,17,15,13. — аломати ризо.

6. Ҳафталик газеталардан бири — 4,2,16,8.

Жавоблар асосида шакл атрофи ва марказидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Улардан Озарбойжонда нашр этилиб араб тилидаги ҳикмат ва иборалар ўрин олган «Оталар сўзи» тўпламидан икки намунани билиб олишга муваффақ бўласиз.

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди**



ЎТГАН СОНДАГИ БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақами атрофига: 1. Рашидов. 2. Обидов. 3. Мелибоев. 4. Алиев. 5. Ҳошимов. 6. Зулфия. 7. Қурбонов. 8. Алимов. 9. Пирматов. 10. Орипов. 11. Аҳророва. 12. Қориев. 13. Ҳасанов. 14. Ибрат. 15. Беҳбудий. 16. Фитрат.

Муаммонома. очқич: 1. Мўмин Усмон. 2. «Ҳуррият». 3. «Гулистон». 4. Элбек. 5. Даъват. 6. Заковат. 7. «Шарқ». 8. Очерк.

Абдулла Авлоний: «Бу газета ўша замон мусулмон газеталари ичида энг сўли бўлиб, ҳукуматга ва унинг маъмуриятига қарши ўт очди».

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги хусусий тадбиркор Рустамжон Жўраевич ҲОЛҚОСИМОВ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎзХДП Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани кенгаши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда **Охунжон МАДАЛИЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Равшан Шодиев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 24.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА